

**A PERSON CONCERNED WITH ETERNITY****S. Abbosov***Professor, Doctor of Geography
Samarkand State University***K. Ganiev***Associate professor, candidate of historical sciences
Samarkand State Institute of Architecture and Construction***A. Mahammatov***Lecturer
Jizzakh State Pedagogical University***ABOUT ARTICLE**

Key words: Sodiq Ahmatovich, institute, discipline, students, scientific research, talented young people, higher educational institutions, post-graduate studies, scientific internship.

Abstract: This article discusses the life and activities of Sodiq Nishonov, a man of great talent.

Received:**Accepted:****Published:****МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ИНСОН****С. Аббосов***Профессор, география фанлари доктори
Самарқанд давлат университети***К. Ғаниев***Доцент, тарих фанлари номзоди
Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти***А. Маҳамматов***Ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика университети***МАҚОЛА ХАҚИДА**

Калит сўзлар: Содик Аҳматович, институт, тартиб-интизомни, талабалар, илмий изланиш, иқтидорли ёшлар, олий ўқув юртлари, аспирантура, илмий стажировка.

Аннотация: Ушбу мақола мангулика дахлдор инсон бўлган Содик Нишоновнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида муҳокама қилинади.

ЧЕЛОВЕК, ОЗАБОЧЕННЫЙ ВЕЧНОСТЬ**С. Аббосов***Профессор, доктор географических наук
Самаркандский государственный университет*

К. Ганиев*Доцент, кандидат исторических наук**Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт***А. Махамматов***Учитель**Джизакский государственный педагогический университет*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Садык Ахматович, институт, дисциплина, студенты, научные исследования, талантливая молодежь, высшие учебные заведения, аспирантура, научная стажировка.

Аннотация: В данной статье рассматривается жизнь и деятельность Садыка Нишонова, человека большого таланта.

КИРИШ

Ҳамма замонларда ҳам жамият, тузум ва тизимлар тараққиёти фозил инсонлар; илм-фан, маънавият ва маданият фидойиларининг бўй-басти билан ўлчанади. Ўзининг онгли ҳаётини она юрт, жонажон халқи, уларнинг фаровонлиги, билимли, ўқимишли бўлиши, етук мутахассислар, келгусида ажойиб инсонлардек яшашлари йўлида аямай сарфлаган замондошларимиздан бири Содиқжон Ахматович Нишонов ҳақида ўйлаганимизда, энг аввало, кўз олдимизда илм-маърифатга чанқоқ, истеъдодли олим, география фанлари доктори, профессор, қобилиятли ташкилотчи ва ташаббускор, жонкуяр раҳбар киёфаси гадаланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Содиқжон Ахматович Нишонов 1936 йилда Самарқанд вилояти, Иштихон туманида таваллуд топди. 1954 йилда Иштихон шаҳридаги 8-сонли ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, шу йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, геология-география факультети, география йўналишига ўқишга кирди. Университетда ўқиш даврида у доцент Я.Левен, профессорлар Ғ.Юнусов, Н.Смирнов, И.Молоснов каби етук олимлардан география фанининг сир-асрорларини ўрганди.

1959 йилда Самарқанд давлат университети география йўналишини имтиёзли диплом билан тугатиб, ўзининг амалий фаолиятини Иштихон туманидаги 8-сонли мактабда география фани ўқитувчиси сифатида бошлади. Қисқа муддат мактабда ишлаган Содиқ Нишонов ўзи таҳсил олган факультетга ишга таклиф этилди. Университетда устозлари билан иш бошлаган ёш мутахассис, 1960 йилда Озарбайжон Фанлар академияси география институти қошидаги аспирантурага ўқишга юборилди. Олиб борган илмий тадқиқотларининг натижаси сифатида 1964 йилда география фанлари доктори, профессор Наиб Ширинов раҳбарлигида “Қашқадарё воҳаси ландшафтларининг хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган Содиқ Нишонов ўтган асрнинг 60 йилларида республикада маҳаллий географлар ичидан етишиб чиққан энг ёш фан номзоди эди.

Содиқ Нишонов 1963 йилда Самарқанд давлат университетининг география-тарих факультетига ишга қайтиб, дастлаб табиий география кафедраси ходими, кейинчалик катта ўқитувчи, доцент лавозимларида талабаларга табиий география ва ландшафтшуносликдан сабоқ берди. У 1966 йилда Самарқанд давлат университетида алоҳида география факультетини ташкил этилишида устози, профессор М.Умаров билан биргаликда алоҳида жонбозлик кўрсатди. 1970 йилда факультетда минтақавий табиий география кафедраси ташкил этилгач, Содиқ Нишонов унинг мудир лавозимига сайланди.

Ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Содиқ Аҳматович 1970 йилда Самарқанд шаҳар партия қўмитасига масъул вазифага ишга таклиф қилинди. Бир йил ўтиб, республика партия ташкилоти тарғибот ва ташвиқот бўлимининг биринчи ўринбосарлигига тайинланди.

1974 йилда Содиқ Нишонов янги ташкил этилган Жиззах вилояти партия ташкилотига ишга юборилди ва партия котибларидан бири сифатида 1982 йилга қадар фаолият кўрсатди. 1982-1985 йилларда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг Фан ва ўқув юртлари бўлимини бошқариб, республика фани ривожига катта ҳисса қўшди. Бу даврда Марказий Осиё республикалари ўртасида илмий ҳамкорлик алоқалари янги поғонага кўтарилди.

Ўтган йиллар мобайнида олиб борган илмий тадқиқот ишларини умумлаштириб, 1984 йилда Озарбайжон Фанлар Академиясининг География институтида “Арид ўлкалар табиий ресурслари, ландшафт хусусиятлари ва улардан самарали фойдаланиш” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, Ўзбекистонда маҳаллий кадрлар ичида 11.00.01. – Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимёси ихтисослиги бўйича биринчилар қаторида география фанлари доктори илмий даражасини олишга эришди.

Содиқ Нишонов 1985-1990 йилларда давомида Самарқанд давлат педагогика институтининг ректори лавозимида самарали фаолият кўрсатди.

1990-1991 йилларда Самарқанд вилоят партия ташкилоти котиби бўлиб ишлади. 1991 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби лавозимида фаолият олиб борди. 1992 йилнинг ноябридан олим яна илмий-педагогик фаолиятга қайтиб, 1995 йилгача Жиззах давлат педагогика институтининг ректори, сўнгра яъни, 1995 йилнинг апрелидан умрининг охирига қадар Самарқанд давлат университети, география факультети, минтақавий табиий география кафедраси профессори, кафедра мудир лавозимларида фаолият кўрсатди.

Содиқ Нишонов Жиззах педагогика институтининг ректори лавозимида самарали фаолият олиб борган даврида институтнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди. Институтда ўқув-услубий ва тарбиявий ишлар тизимли равишда йўлга қўйилди.

Шу билан биргаликда, Содиқ Аҳматович раҳбарлигида бошланғич таълим ва педагогика факультети таркибидан биология, кимё ва география йўналишларидан таркиб топган табиатшунослик факультети шакллантирилди. 1995 йилдан бошлаб эса факультет таркибида алоҳида география ва иқтисодий билим асослари йўналиши очилди.

Содиқ Аҳматович юксак дидли, ғоят масъулиятли раҳбар сифатида институтда тартиб-интизомни, талабалар давоматини янада яхшилаш борасида катта ишларни амалга оширди. Ўтган даврда илмий изланиш ишлари самарадорлиги ошди, кўплаб иқтидорли ёшлар марказий шаҳарларнинг етакчи олий ўқув юртларига мақсадли аспирантура ва илмий стажировкага юборилди.

Содиқ Нишоновнинг илм-фан борасидаги хизматлари ҳам салмоқли бўлиб, у кишининг ёзган дарслик, монография, ўқув-услубий қўлланмалари, 100 дан ортиқ илмий ишлари фикримизнинг далилидир. Жумладан, 1978 йилда Л.Алибеков билан ҳаммуаллифликда чоп этилган “Жиззах вилоятининг табиий шароити ва ресурслари” номли монографиясида вилоятнинг ресурс салоҳияти ва унинг келажак истиқболлари очиқ берилган.

Содиқ Нишоновнинг “Илмий-техник тараққиёт: табиат ва инсон” (1978), “Жиззах вилояти” (1981), “Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш” (1983), “Арид ўлкалар табиий ресурслари, ландшафт хусусиятлари ва улардан самарали фойдаланиш” (1984), “Табиатшунослик дарсларида илмий дунёқарашни шакллантириш” (Қ.Хайдаров, Г.Нурматовалар билан ҳаммуаллифликда) каби илмий-услубий асарларида Ўзбекистоннинг табиий географияси, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар натижасида юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этишнинг илмий асосланган йўллари кенг ёритилган.

Содиқ Нишонов Ўзбекистон ССРнинг Олий кенгашига 1980 йилда ва 1990 йилда икки марта депутатликка сайланиб, республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашди. 1976 йилда ва 1981 йилда нуфузли орденлар ҳамда қатор медаллар билан тақдирланди. Содиқ Аҳматович Нишонов 1997 йилнинг 3 ноябрь куни 61 ёшида оламдан ўтди.

ХУЛОСА

Содиқ Нишонов кўп қиррали, интеллектуал жиҳатдан забардаст, ташкилотчи раҳбар, камтар, самимий фазилатли инсон эди. Домлани ҳамкасблари, уни билганлар, таниганлар уни ҳамон илиқ, миннатдорлик, юз-кўзларида табассум билан эслайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алибеков Л.А., Нишонов С.А. Прородный условия и ресурсы Джазакской области. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978.

2. Gudalov, M., & Gozieva, M. (2020, December). Development Of Tourism In Zaamin National Nature Park By The Cluster Method. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 111-114).
3. Аббасов С.Б. Рациональное использование и охрана пастбищных ресурсов останцовых гор Кызылкумов. //Рациональное природпользование горных стран. -Бишкек, 1991. -С. 43.
4. Rakhmonkulovich, N. K. (2018). Muhammad ibraheem Al-Geyoushi's contribution on the studying of scientific heritage of Al-Hakim Al-Tirmidhi. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 7(9), 433-440.
5. Аббасов С.Б. Геоэкологические проблемы городов Зарафшанской долины //Актуальные проблемы геоэкологии. -Тверь, 2000. – 157 с.
6. Nematov, O. THE PILGRIMAGE OF KHAZRAT ZAYNULOBIDIN. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych*, 83.
7. Аббасов С.Б. Останцово-низкогорный пустынный тип местности Кызылкума. //Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. -Тошкент, 2002. –Б. 15-17.
- Yunusova, G. D. (2022). Specific Aspects Of The Speech Act In Korean. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 4056-4059.